

Ёш футболчиларнинг машғулот жараёнида жисмоний тайёргарликни ошириш хусусиятлари

Махмудов А.М. ЎзДЖТСУ.

Аннотация. Ушбу мақолада ёш футболчиларни жисмоний тайёргарлигини оширишда эътиборга олинадиган жихатлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: футбол, машқ, сакраш, тайёргарлик, харакат, даражা.

Бугунги кунга келиб юртимиз спортчиларининг қўлга киритаётган ютуқларини алохидга эътироф этиш мумкинки улар қўлга киритаётган натижалар юртимиз довруғини таратиб келмоқда. Бу холат футболчилар миқёсида хам ўз исботини келаётганлиги соҳа мумахасисларини меҳнати самарасидир. Бунинг замирида ётган асосий омил сифатида Юортбошимизнинг футболга бераётган эътиборлари эканини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Шу билан бирга соҳада хали ўз ёчимини кутиб турган муаммолар мавжуд бўлиб, асосий масала жаҳон чемпионати ва олимпиядага йўлланмаларига мутлақо эга бўлмаганимиз билан характерланади. Бу эса футболчиларимизнинг интегарл тайёргарлшигини ошириш жумладан жисмоний тайёргарликка алохидга эътибор қаратишимиз лозимлигини тақазо этмоқда.

Футболчиларни тайёрлашда жисмоний тайёргарлик ўқув машгулот жараёнининг муҳим бўлими ҳисобланади. Жисмоний тайёргарлик организмнинг функционал имкониятларини умумий даражасини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш, соглиқни мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқ бўлган жисмоний қобилияtlарни тарбиялаш жараёнидир. Жисмоний тайёргарлик умумий ва маҳсус тайёргарликка бўлинади. Ўқув-машгулот жараёнида умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик вазифалари ўзаро узвий боғлиқдир. Футболчини умумий жисмоний тайёргарлиги жисмоний қобилияtlарни ҳар томонлама тарбиялаш, умумий иш қобилиятини ошириш вазифаларини ҳал қиласи. Умумривожлантирувчи машқлар ва шуғулланувчилар организмига умумий таъсир кўрсатувчи спортнинг бошқа турларидан олинган машқлар бунда асосий воситалар сифатида қўлланилади. Бунда мушак-пайларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, ички аъзо ва тизимлар функциясининг

такомиллашишига, ҳаракатларни координация қилишни яхшилаш ва ҳаракат сифатлари умумий даражасини оширишга эришилади.

Умумий жисмоний таёргарлик организмга ҳар томонлама таъсир кўрсатади, айни чоғда уларнинг ҳар бири у ёки бу сифатларни кўпроқ ривожлантиришга қаратилган бўлади. Умумий жисмоний тайёргарликнинг мақсади, футболчи учунгина хос бўлмаган жисмоний сифатлар ва функционал имкониятларни ривожлантиришдан иборатdir,

Футболчининг тайёргарлигига бажараётган ҳаракати интенсивлигининг доимо ўзгартириб туриш билан амалга оширилади. Жадал югуриш, илгари ташланиш, сакрашлар, енгил югуриш, тўхташ билан алмашинади, ҳаракат йўналиши, мароми ва суръати ўзгариб туради. Бундай фаолият муайян жисмоний юкламани амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу вегетатив жараёнлар биринчи навбатда модда алмашинуви, нафас олиш ва қон айланишдаги жиддий функционал ўзгаришлар билан давом этади.

Ҳар бир ўйин ўйинчидан ҳар хил жисмоний сифатларнинг максимал даражада намоён этишни талаб қиласди. Жисмоний сифатларнинг намоён бўлишини машғулотларда, айниқса, аниқ ўйин вазифалари ҳал этиладиган машқларда ўрганиш керак. Ўйинда максимал жисмоний сифатларни намоён этиш учун аввал машғулотларда максимал даражада кўрсатишни ўрганиш керак. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, футболчи қанчалик иқтидорли бўлишидан қатъий назар, у фақат тўлиқ тайёргарлик босқичларидағи машғулотларда шуғулланиб, максимал спорт ютуқларига эришиши мумкин.

Умумий тахлиллар асосида шуни таъкидлаш лозимки жисмоний тайёргарликни ривожлантиришда инструментал методдан устувор фойдаланиш лозим. Жумладан юрак қисқариш сони ва қон босимини назорат қилиш орқали юқори шиддатда бажариладиган машқларни организмга таъсир этиш жараёнини мунтазам назорат қилиш керак бўлади. Буэса юкламаларни меъёрлаштиришга катта ёрдам бериб футболчиларни машғулотларини гурухли ёки индивидуал тарзда ташкил этиш масаласига ойдинлик киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сонли фармони. Халқ сўзи газетаси. 6-декабр 252-сон.

2. Годик М.А. Совершенствование физической подготовленности спортсменов. «Современная система спортивной подготовки». - М.: САAM, 1995. - С. 136-165.
3. Итаналиев Т.Т. Сопряженная физическая и технико-тактическая подготовка футболистов на этапе спортивного совершенствования. – М., 1993. – 24 с.
4. Костюкевич В. Адаптация футболистов к физическим нагрузкам // Наука в спорте.- Москва, 2007.-№1.-С.59-65.